

Маккада тушган, 19 оятдан иборат

«Аъло» лугатда «Энг олий зот» маъносини билдиради. Сура яна биринчи оятидаги сўз билан «Саббих» деб ҳам номланади. Сура аввалида барча нарсадан олий ва юксак Зот – Аллох таолонинг номини пок тутишга амр этилгани учун ҳам у шундай номланган. Сўнгра Хак таоло Ўз Пайгамбарига нозил киладиган оятларини у кишининг калбига асло ўчмайдиган килиб мухрлаб кўйиши хакида башорат беради. Бу сурада факат Яратгандан кўркадиган кишиларгина панд-насихатни кабул килиб фойдаланишлари, аммо дўзахий бадбахтлар эса насихат эшитишдан кочиб, охиратларини барбод килишлари баён этилади. Сура нихоясида ўзини пок тутиб, Парвардигорини ёд этиб, намоз-ибодатини канда килмайдиган хар бир киши, албатта, нажот топиши хабари берилади.

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□

Бисмиллахир рохманир рохийм

Мехрибон ва рахмли Аллох номи билан бошлайман.

1. (Эй Мухаммад,) энг олий Парвардигорингиз номини поклаб ёд этинг.

Аллох таоло мархамат этиптики, эй суюкли Пайгамбарим, хамма нарсадан олий, устун бўлган, кибриё ва кудрати хеч бир зотда бўлмайдиган, борликдаги хамма нарсанинг ягона эгаси ва тарбиякунандаси Аллох таоло номини хамиша поклаб зикр этинг, эсланг.

Ана шу амрга кўра, мусулмонлар намозларида юзлаб марта сажда килган вақтда «Субхана Роббиял аъла» (Олий бўлган Парвардигорим покдир) дея Унинг номини поклашади. Абу Хайён айтади: «Поклаш исм устига тушади. Яъни бу Зотни санам ёки бутга тенглашдан, улар номи билан аташдан покла. Шунда У Парвардигор ёки Илох дейилади. Аллох лафзи Ундан бошқасига ишлатилмайди». Поклашга, улуглашга муносиб Ундан ўзга ҳеч бир зот йўқ. У барча сифатловчилар сифатлаганидан кўра олий, пок ва улугдир. Укба ибн Омир ал-Жуханийдан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «*Фасаббих бисми Роббикал азийм*»

оятти (Воқеа, 96) нозил бўлганида Расулulloх (соллаллоху алайхи ва саллам) бизга «Уни рукуъларингизга кўйинглар (яъни унда ўқинглар), дедилар.

«*Саббихисма Роббикал аъла*»

оятти нозил бўлганида «Уни саждаларингизга кўйинглар», дедилар» (Имом Аҳмад, Абу Довуд, Ибн Можа ривоятти).

2. У ҳамма нарсани мутаносиб яратган.

Ана шундай олий ва кудратли Зот бўлмиш Аллох азза ва жалла борликдаги ҳамма нарсани мутаносиб, уйгун, катъий низом ва ўлчовлар билан яратган. Хар бир махлуқот учун ўзига салоҳиятли бўлган нарсани ўлчаб берган ва хар бир нарсага Ўзи йўл кўрсатган, манфаатли нарсани махлуқига билдириб ҳам кўйган. Унинг яратган нарсаларида заррача камчилик, нуқсон ёки номутаносиблик топа олмайсиз! Атрофингизга бир боқинг: янги тугилган чакалок дарров емиш излаб она кўкрагига талпинади. Буни чакалокка ким ўргатиб кўйган? Тухумини ўзи тешиб, янги чиккан палапон дарров тумшугини ерга уриб, озука излашга тушади. Буни унга ким ўргатган? Мушукка тезагини яширишни, хайвонларга боласини химоя қилишни ва раҳм кўрсатишни, Ой, Куёш ва сайёраларга бир чизик бўйлаб харакатланишни, фасллар алмашинувини, зарур пайтда осмондан кор-ёмгир ёғдиришни, инсонларга қандай йўл билан ризк излаш ва хаёт кечириш йўллари, борингки, барча махлуқотнинг хаёт тарзини фақат Аллох яратиб-белгилаб кўйган. У хар бир нарсанинг жинсини, навини, сифатларини, иш-харакатини, сўзини, хаёт муҳлатини белгилади, хар бирини керакли ўрнига кўйди. Яратгандан кейин бу нарсаларни енгиллаштириб берди, махлуқотларини дин ва дунё ишларига илхомлантирди.

3. У ҳамма нарсани таксимлаб, йўллаган.

Аллох таоло борликдаги ҳамма нарсани, хатто емиш – ризккача таксимлаб, ўлчаб, аниқ ҳисоб-китобга солиб кўйган. У Ўзи яратган махлуқларини ризк топиш, хаёт кечиришдаги манфаат ва йўлларга йўллаб ҳам кўйган. Золим фиръавннинг «Парвардигорингиз

ким?» деган саволига Мусо алайхиссаломнинг берган жавобини эсланг: «*Парвардигори миз барча нарсага ўз хилкатини ато этиб, сўнгра тўгри йўлга солиб кўйган Зотдир*» (Тоха, 49). Абдуллох ибн Амрдан (розияллоху анху) ривоят килинишича, Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам: «Албатта, Аллох осмонлару Ерни яратишдан эллик минг йил олдин махлукотлари тақдирини белгилаб кўйган, холбуки, Унинг Арши сув узра эди», деганлар (Имом Муслим ривояти).

4. У яшил ўт-ўланни ўстирди;

Аллох таоло инсонлар ва бошқа жонзотларни яратиш билангина кифояланмади, балки уларнинг хаёти учун зарур емиш манбаларини ҳам яратди. Ерда инсонлар учун турли мевали дарахтлар, дон ва бошқа экинлар, сабзавот ва полиз махсулотларини, уларнинг чорва хайвонлари учун ям-яшил ўтлоқлар, турли ўт-ўланларни ўстириб кўйди. Энди бир ўйлаб, фикр юритиб кўринг: агар Аллох таоло осмондан сув (ёгин) туширмаганида бу экин-ўсимликлар ўсармиди? Ёки Куёш нурларини сўндириб ёки кучайтириб кўйганида Ер юзида хаёт бўлармиди? Ерни унумсиз, экин ўсмайдиган қилиб кўйганида дехконларнинг каттик меҳнати тарикча фойда берармиди? Яқинда телевидение орқали ибратли лавха кўрсатишди: Африкодаги бир мамлакатда анчадан буён очарчилик, қахатчилик ҳукм сураркан. Мухбирлар ерли аҳолига очарчиликдан қутулиш учун ҳеч бўлмаганда маккажўхори экиб, жон саклашни тавсия этишганида бир қоратанли занжи: «Э, гапириш осон, ҳатто Оврупадан ҳам макка уруги жўнатишди. Ўрмондаги дарахтларни кесиб-ёндириб ер очдик, кумини кетказиб, хосилдор ерни чиқардик, унга уругни экдик, ишлов бердик, аммо бир қаричдан ортик кўтарилмади. Сабаби, осмондан бир томчиём ёмғир тушмади. Энди киндик конимиз тўқилган ватанни ташлаб кетишга тўгри келяпти», деди. Бунда жаннатмакон ўлкада яшаб, Аллох берган неъматларга шукрни унутиб кўйган кишилар учун катта ибрат бордир.

5. кейин эса саргайган ҳашакка айлантирди.

Экин-ўсимликларни яшнатиб, кўкартириб кўйган Парвардигор маълум муддатдан кейин уларни саргайтириб, қуп-қурук ҳас-ҳашакка айлантиса ҳам кодир. Бунинг замирида ҳам Аллох таолонинг буюқ яратувчилик хикматига ишора бор. Хамма нарсани яратган Парвардигор уни йўқ қилиш, заволга кетказишга ҳам кодир. Худди шу қаби Ўзи жон ато этган инсонни бир қуни келиб жонини олишга, ўлгандан кейин яна қайтадан тирилтиришга ҳам кодир. У бу ишларига ҳеч қимни аралаштирмайди, ҳеч қимни шерик ҳам қилмайди. У хамма нарсадан олий, ўта қудратли, ягона яратувчидир, шунинг учун Уни ҳамиша поклаб ёд этинглар, эсга олинглар, зикр қилинглар.

6. Биз сизга ўкитамиз, уни эсдан чикармайсиз;

Аллох таоло мархамат этиптики, эй Мухаммад (алайхиссалом), тез кунда Жаброил фаришта оркали сизга Куръон ўқишни ўргатамиз ва ўқиган нарсаларингизни асло эсдан чикармайдиган бўласиз. Жаброил алайхиссалом Аллох хузуридан Пайгамбаримиз Мухаммад алайхиссаломга Куръони Карим оятларини олиб туша бошлаганларида Расули акрам оятнинг тугабини кутмай уни ёдлаб олишга уринардилар. Шунда ушбу ояти карима нозил бўлди. Ибн Аббосдан килинган ривоятда келишича, шу оят нозил бўлганидан кейин Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам умрлари охиригача Куръонни умуман эсдан чикармадилар. Бошка сураларда ҳам бу ҳақда оятлар бор: «Сиз га

(К

уръон)

вахийи тугамай туриб, кироат килишга шошманг»

(Тоха, 114); «(Эй Мухаммад,)»

уни тезроқ ёдлайман деб тилингизни кимирлатаверманг. Хакикатда уни жамлаш ва ўқиб бериш Бизнинг зиммамизда»

(Киёмат, 16-17).

7. Аллох хоҳлагани мустасно. У ошкорию махфийини, албатта, билади.

Эй Пайгамбарим, Аллох таоло сизга нозил қилаётган Куръони Карим оятларини тезда ёдлаб оласиз ва харгиз эсингиздан чикармай, омонатни Ислому умматига етказасиз. Аллох таоло эсдан чикаришингизни ирода қилган оятлар бундан мустасно. Аллох таолонинг Ўзи унуттирган оятларни эсдан чикарсангиз, ҳеч қандай зарари йўқ. Аммо бундан Куръондаги насх қилинган, яъни ҳукми амалдан қолган оятларни унутиш керак, деган ҳулоса чикармаслик керак. Бундай оятларнинг амали бекор бўлса ҳам, кироати насх қилинмаган. Ҳеч қимнинг «Бу оят насх қилинган экан», деб ўқимай ташлаб кетишга ёки мусхафдан чикариб ташлашга ҳақки йўқ, бундай қилган кофир бўлади, Аллох асрасин! Аллох азза ва жалла яна Пайгамбаримизга таъкидлаяптики, Парвардигорингиз бандалар қилган барча ошқора ёки махфий ишларни кўриб-билиб туради. У Зотга хатто инсонлар дилидан ўтаётган ё хаёлидан кечаётган ўй-фикрлар ҳам яхши маълум.

8. Сизга осонини муяссар қиламиз.

Аллох таоло Ўз Пайгамбари оркали инсонларга етказяптики, хамма ишни Менгагина хавола этсангиз, Мендангина сўрасангиз, Менгагина сизинсангиз, сизларни ишларнинг осонига йўллайман. Хакикатан, Аллох таоло инсонларга факат токатлари етадиган нарсаларнигина юклади, улардан кийинчилик, мушкулот ва машаккатларни кўтариб ташлади, бандаларига яхши ва манфаатли нарсаларнигина шариат килиб берди. Бунга Куръони Каримнинг ушбу ояти далилдир: *«Эй Парвардигоримиз, биздан илгари ўтганларнинг зиммасига ортган машаккатни бизнинг зиммамизга ортма! Эй Парвардигоримиз, токатимиз етмайдиган нарсани бизга юклама! Бизларни авф эт, гунохимизни кечир хамда бизларга раҳм кил!»* (Бакара, 286).

9. Агар насихат кор келса, насихат килинг.

Яъни эй Пайгамбар, одамларга Куръон оятлари билан мавъиза, насихат килинг, уларни яхши йўлга бошланг, Аллох юборган шариатга даоллат килинг. Насихат фойда берадиганлар хам, унга кулок солмайдиган, инкор киладиганлар хам бор. Сизнинг вазифангиз эса одамларга вахийларимизни етказиш, уларга амал килишга ундаш, хаётларини Куръони Карим асосида куришга чорлаш, холос. Хазрати Алидан (карамаллоху ваъжаху) ривоят килинган хадисда айтилишича, Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам): «Одамларга улар тушунадиган нарсаларни гапиринглар, акс холда Аллох ва Унинг Расули ёлгончига чиқарилишини биласизларми?» дедилар (Имом Бухорий ривояти). Ибн Касир айтади: «Мана шу оятга амал килиб, айрим кишилар илм таркатишда номуносиб одамларга илм ўргатишмайди».

10. Такволилар кабул килишади.

Яъни эй Пайгамбар, сиз килган ваъз-насихатларни одамлар ичидаги Аллохдан кўркадиган-такволилари яхши кабул килишади. Кабул килиб, ундаги буюрилган ишларни бажаришади, кайтарилганларидан четда бўлишади. Аллохдан кўркмаганларга эса сизнинг панд-насихатларингиз асло кор килмайди, чунки Парвардигор уларнинг калбини мухрлаб, кўзини кўр, кулогини кар килиб кўйган. Охиратни англашда одамлар уч хил бўлади: 1) калби пок бўлгани ваъз-насихатларни иккиланмай кабул килиб, айтилганларни каттик ушлайди; 2) бу хақда бир карорга келолмай иккиланади; 3) охиратга ишонмагани учун уни мутлок инкор килади.

11. Бахтсизлар ундан кочади.

Инсонларнинг ана шундай бахтсизлари Аллохнинг дини, Китобини етказмокчи бўлган Пайгамбарнинг ваъз-иршодларини назарга илмайди, эшитишга хафсала хам килмайди, кибри--гурури туфайли уларни ёлгонга чикаришдан хам уялмайди. Бундай ўзига зулм килувчи кимсаларни охиратда аянчли окибат кутиб турибди.

12. Ўшалар улкан оловга киради.

Охиратга ишонмаган, Пайгамбарнинг хам, олиму насихатчиларнинг хам гап-сўзларига кулок солмаган, ваъзларини эътиборга олмаган бахтсиз кимсалар катта оловга киради. Оятдаги «Нарол кубро» жумласи олови ниҳоятда катта дўзах, деган маънода. Инсон дунёда сачраган кичкина бир учкунга чидолмай дод-вой солади-ю, охиратда гуриллаб ёнган, иссигига хеч кандай жонзот дош беролмайдиган дўзах оловига кандай чидайди? Энди дўзахнинг олови ниҳоятда баланд, улкан бўлса, унинг холи не кечади?

13. Унда ўлмайди хам, яшамайди хам.

Бундайлар маълум муддат азобланиб, сўнг бошқалар каби яшаймиз, дея хомтама бўлмасин. У дўзахга тушгач, ўлиб-ўлолмайди, яшаб-яшолмайди. Яъни у ўзининг ўта кайсарлиги, жохиллиги туфайли Аллох ва Унинг Расулига куфр келтирди, гунохлардан тийилмади, Аллох юборган диндан, китобдан юз ўгирди, ўзига насихат килганларни масхаралаб, устидан кулди, ваъз-насихатларни эшитиб колмаслик учун ўзини турли ўйин-кулги, бемаъни машгулотлар билан чалгитди. Насихат тингласа, юраги сикилди. боши огриди. Мана энди ўша килмишларининг жазосини тортиш вакти келди. Каршисида ловуллаб ёнаётган дўзах олови. Ундан кутулиш, бироз ортга суриш, жазони енгиллатиш имкони асло йўк. Чунки Аллох таоло амрига бўйсунган дўзах поспонлари пора олишмайди, таниш-билишчилик килишмайди, раҳм-шафкат нималигини билишмайди. Айникса, уларнинг Аллох душманларига кахр-газаби ниҳоятда чексиз. Яна Аллох таоло бундай огохлантирган: *«Унга хар томондан ўлим келади-ю, ўлолмайди. Бунинг ортида (бу ндан хам) огир азоб бордир»* (Иброхим, 17).

14. Хакикатан, ютукка эришди, ким покланса;

Яъни куфр ва ширк хасталикларидан ўзини поклаб, Аллохга ва Унинг Расулига иймон келтирган, Аллохни якка илох дея тан олиб, Унинг шариатига катъий амал килган, нафсини фасод, разолат, ахлокий бузукликлардан поклаган, одоб-ахлокини чиройли килган, Парвардигор Элчисига эргашиб, унинг ваъз-иршодларига амал килган бахтиёр мўминлар, хакикатан, зафарга, ютукка эришди, азобдан нажот топди, олий жаннат билан мукофотланди. Ушбу оят хакида Жобир ибн Абдуллохдан (розияллоху анху) ушбу хадис ривоят килинган: «Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам): «Ким Аллохдан ўзга илох йўк, деб гувоҳлик берса, ширкни тарк этса, менинг Аллох элчиси эканимга иймон келтирса, хакикатан, у зафар топибди», дедилар (Баззор ривояти).

15. Парвардигори номини зикр килиб, намоз ўкиса.

Аллох таолонинг зикрида бўлиб, намозларини канда килмай, ўз вақтида тўкис адо этган мўминлар киёматда энг катта ютукка эришадилар. Хакикатан, эртаю кеч Парвардигори номини комил ихлос билан зикр этиб, беш вақт намозини Аллох розилиги йўлида, У буюрганидай адо эта олган киши Аллох таолонинг энг суюмли бандаларидан бўлади. Бундай улуг неъмат билан шарафланган киши хамиша Парвардигорига шукр айтиши вожибдир. Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам бундай деганлар: «Киёмат куни амаллар ичида энг аввал намознинг хисоби берилади. Бу хисоб яхши бўлса, кутулибди, яхши бўлмаса, хасратда қолибди. Агар фарзида камчилик бўлса, Аллох таоло: «Бандамнинг нафл ибодатлари борми?» деб сўрайди. Шу тарзда фарз намозларидаги камчиликлар нафл билан тўлдирилади. Колган амаллари хам шу тарзда хисоб қилинади» (Имом Термизий ривояти).

16. Балки дунё хаётини афзал кўрасизлар?

Эй инсонлар, сизлар дунё хаётини охиратдан афзал, устун кўрасизлар. Охират учун тайёргарлик кўришга кизикмайсизлар, буюрилган ишларни килмайсизлар, кайтарилганларидан четланмайсизлар. Аслида дунё вақтинчалик бир мусофирхонадир. Асл хаёт, абадий хаёт охиратдадир. Сизлар вақтинчалик уйингизга зеб-зийнат берасизлар, аммо охират касри хароблашса хам, ишингиз бўлмайди. Эрта-индин курт-кумурскаларга ем бўлиб кетадиган жасадларингни касалдан кутқариш учун миллионлаб пулларни сарфлаб юборасизлар, лекин охиратда хам йўк бўлмайдиган рухларингизни даволаш учун асло кайгурмайсизлар. Абу Мусо Ашъарийдан (розияллоху анху) ривоят килинган хадисда Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам: «Ким дунёсини яхши кўрса, охиратига зарар етказибди. Ким охиратини яхши кўрса, дунёсига зарар

килибди. Сизлар бокий нарсани фоний нарсадан устун кўйинглар», деганлар (Имом Ахмад ривояти).

17. Аммо охират яхши ва бокийдир.

Сизлар дунё хаётини канчалик яхши кўрманглар, унинг лаззатларига канчалик гарк бўлманглар, ундан кўнгил узишларинг канчалик кийин ва огир бўлмасин, барча фоний нарсалар каби дунё хаёти хам бир куни тугайди. Охират эса шарофатли ва абадийдир, мўминларнинг борар жойидир.

18. Бу, албатта, олдинги саҳифаларда бордир.

Юкоридаги айтилган гапларнинг бари факат Куръонда эмас, олдинги пайгамбарларга берилган барча саҳифалар ва самовий китобларда хам накл килинган. Одам алайхиссалом замонидан бери Аллох таоло инсонларга тўгри йўлни кўрсатиш, хидоятга бошлаш, уларнинг яхши-ёмонни, халол-харомни фаркларлари учун ўз пайгамбарларини юборди, улар оркали саҳифалар ва китобларини туширди. Хадисда келишича, Аллох таоло баъзи пайгамбарларига саҳифалар, айримларига эса китоблар нозил килган. Одам алайхиссаломга ўн саҳифа, Шис алайхиссаломга эллик саҳифа, Идрис алайхиссаломга ўттиз саҳифа, Иброхим алайхиссаломга ўн саҳифа туширилган. Шунингдек, тўртта самовий китоб – Таврот, Инжил, Забур ва Куръон нозил килинган (Ибн Асокир ривояти).

19. Иброхим ва Мусо саҳифаларида.

Инсонларни тавхид ва хидоятга чорлаш, уларга тўгри йўлни кўрсатиш, охиратга тайёргарлик кўришга даъват этиш хакидаги далил ва насихатлар Иброхим алайхиссаломга туширилган саҳифаларда, Мусо алайхиссаломга нозил килинган саҳифаларда (Таврот китобида) хам мавжуд. Иброхим алайхиссаломга туширилган саҳифалардан бирида: «Аклли кишига тилини саклаши, замонни таниши ва ишига караб туриши лозим бўлади», деб ёзилган эди.

СУРАНИНГ ФАЗИЛАТИ

Имом Бухорий ва Муслим «Саҳих»ларида келишича, Пайгамбар алайхиссалом Муоз ибн Жабалга (розияллоху анху): «Намозингга Аъло, Шамс, Лайл сураларини ўқимайсанми?» деб кизиктирар эдилар. Нўъмон ибн Баширдан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) икки хайит ва жума кунлари Аъло, Гошия сураларини кироат қилардилар. Баъзан иккаласи бир кунда келиб қолса ҳам, иккала сура кироат қилаверар эдилар» (Имом Аҳмад, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва бошқалар ривояти). Имом Аҳмад ўз «Муснад»ида Убай ибн Каъб, Абдуллох ибн Аббос, Абдурроҳман ибн Абза ва мўминлар онаси хазрати Оишадан (розияллоху анҳо) ривоят қилишича, Пайгамбаримиз витр намозида Аъло, Кафирун, Ихлос сурасини ўқиганлар. Оиша онамиз булар қаторига икки «муъовазатайн»ни (Фалак ва Нас) ҳам қўшганлар. Хазрати Алидан ривоят қилинади: «Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) бу сура кироат қилганлар (Аъло) яхши қўрардилар» (Имом Аҳмад ривояти).